

2-илова

Тариф (ҚҚС ва Маҳсус устама ҳақ билан)

Сув 1 м³ 1430 сўм,
Оқова 1 м³ 1430 сўм

9900067066/7-П -сонли шартнома

«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

«27» 01 2022 й.

Сув таъминоти

Ушбу шартнома «Сув таъминоти» МЧЖ кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи А. Худоев (Ф.И.О.)

шаҳсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи ҚМҚЧ Ҳ.М.М. Ҳ.М.М. Ҳ.М.М. асосида иш олиб борувчи директор Ҳ.М.М. Ҳ.М.М. Ҳ.М.М. (Ф.И.О.)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матнда II гуруҳ «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш нарх буйича 1782 м³ни:

1 м³ ичимлик сув учун 1380 сўм (+ҚҚС 15%), + 50 сўм (маҳсус устама ҳақ)ни;

1 м³ оқова сув учун 1380 сўм (+ҚҚС 15%), + 50 сўм (маҳсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда.

Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 5096520 сўмини ташкил қилди. (сумма ёзув билан) Шу жумладан, бюджет маблағларидан 5096520 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан 0 сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган хисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова суви хизматлари учун тўловларни хар ойнинг 10 санасигача 100 фонзлик олдиндан ҳақ тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова суви хизматлари буйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тақдирланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тақдирланган маҳсус устама ҳақи 1 м³ ичимлик сув учун 50 сўм, 1 м³ оқова суви хизмати учун 50 сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова суви тизимига уланиш учун руҳсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. Умумий қоидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти руҳсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова суви тармоқларига, иншоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига руҳсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўлган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувини хисобга олиш приборини ўрнатиш хар иккаси учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарактларни суғориш учун фойдаланишига қуйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд

булганда ва махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат тунги вақтда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи ҳўжалик-истеъмол, маиший эҳтиёж ва ёнгинларни ўчириш ҳамда технология ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни ҳисоба олиш приборлари ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбланиши лозим. Шунингдек, ичимлик суви хисоба олиш приборини ечиш, қисқалашдан ўтказиш ва ўрнатилш конунчиликлда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ҳодими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қуришма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш қондаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларининг уланishi «Истеъмолчи» томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» бюртимасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ микдори ўзгарган санасидан катти назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган саналдан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қўйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармоққа уланишини ўзиб қўйувчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиши, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармоғига уланиш нуқтаидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи оқова қудуги (камераси) магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисобланиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тегшили сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камда 15 кун олдин оғохлангирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувини чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқова тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бут сакланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчи қарашли санитария асбоблари, оқова тармоқлари, иншоот ва қурилмаларда таъминот йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқова тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотидан, ичимлик сув ва оқованинг ташқи тармоқларида авария (тиқилиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарини қоплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувини ҳисоба олиш прибори, айланма линия зулфни, ёнги зулфчилари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфда бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва саклаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгига қарши тизимдан фойдаланиш тўғрисида «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфчиларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чақиретиш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

3.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчининг 7 кун аввал ёзма равишда оғохлангирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувини узатиш ва оқова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўғрисида мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегшли ва унинг тасарруфда бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувини ҳисоба олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувини ҳисоба олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатилш мақсадида кўздан кечирин, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмаларида режалли-оғохлангирин тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфда бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан уланигани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфда бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, қурилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан улашиш учун белгиланган тартибда руҳсатнома олган субабонентларнинг тегшли тартибда уланиши рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шарҳлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувлар микдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўғрисида ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўғрисида;

б) Табиий офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида.

- г) Ёнгин чиккан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат туғилганда.
- 3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:**
- 3.4.1. Сув таъминоти ва оқова суви чикариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;
- 3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;
- 3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;
- 3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқова равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишнинг мунтазам истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;
- 3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни беҳуда сарфининг олиндини олиш, саноат қорхоналари ва уларга тенглаштирилган қорхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиш;
- 3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффидиентини қўллаш;
- 3.4.7. Оқова сув тизими оқова оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;
- 3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олманган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;
- 3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этинмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;
- 3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;
- 3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишдан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- 3.4.12. Ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узинишлар ҳақида истеъмолчилар узинишлар бошлангунгача 10 иш кундан кечикмай оғохлантириш.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

- 4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатларда келиб чиққан зарарини, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.
- 4.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар учун жавобгардир:
 - а) Ичимлик суви хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг ҳудудиди ва тасарруфида бўлган пломбаланган хисоблаш қурилмаларининг бутун сакланиши учун;
 - б) Сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ суви хисобга олиш қурилмаларининг кесдан бузиллишига йўл қўйиш ҳамда сув хисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;
 - в) Ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;
 - г) Дренаж тизими мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудда жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймастик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатиш тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади;
 - д) Қонунчиликда ўрнатиш бошқа ҳолларда.
 - 4.3. «Таъминотчи» қуйидаги ҳолларда жавобгардир:
 - а) Амлдаги меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;
 - б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;
 - в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломадлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатиш тартиб ва миқдорда қоплаш;
 - г) Шартнома шартлари ва оқоваланган мажбуриятларини бажармаслик.
 - V. Сув таъминоти ва сув чикариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби
 - 5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чикарилган (қабул қилинган) сувининг хисоби хисоблаш прибори мавжуд бўлганда, хисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚҚС ни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охирига уч ойнинг ўрточа сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоз олдидан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир кунни учун истеъмолчи 0,4 фоз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фозидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоз олдидан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш кунни ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларини ичимлик сув таъминоти ва сув чикариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнгилдан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юқлатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чикариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий хисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

5.5. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоқлари хисоби учун 2,0 коэффидиенти қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсус таъини (ўрнатиш)га ва рўйхатга олинган хисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) қўйилтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудуқ, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус таъини сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаси (артезиян скважинаси, қудуқ, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатишга насоснинг ишлаб чикариш қуввати ёки ўрнатишган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосда амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

- 6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чикиб кетишдан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чикиб кетган суви хисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юқланади.
- 6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қурувнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чикиб олинган календар кунлари хисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times i}$$

- бунда: М – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффидиенти;
F – сууюлик очик ўтадиган қувур ёки тешик қесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;
g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;
H – сувининг метрларидаги бошимчи;
i – вақт- 24 соат, секундларда.

Қуйидаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

- 6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;
- 6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;
- 6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиккан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатишган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;
- 6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметр кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш туғричилиги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда Конунчиликда белгиланган тартибда хал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга муносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўқсизлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, икки нусхаси таъминотчида, бир нусхаси истезъмолчида сақланади.

9.2. Шартнома газначилик бўлиналарида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

"ANDIJON SUV TA'MINOTI" M.CH.J.
ANDIJON SHAHAR BO'LIMI
Andijon shahar, S. Obidov ko'chasi, 11 uy
X/R: 263800800285369301
ATIB "PROTEKA BANK" ANDIJON VIL. FIL.
MFO: 00059 STIR: 200230760

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Manzil: **ANDIJON SHAHAR TIBBIYOT BIRLASHMASI**
Tel: **ANDIJON SHAHAR V. O'ZBEKOV KO'CHA 10V**
Fax: **200237076**
Bank: **200237076 STIR XXHTUT: 91514**
Bank kod: **200237076 STIR XXHTUT: 91514**
XXUF: RESP. MBLIYA VAZIRLIGI G'AZMACHILIGI
Shaxsiy raqam: **0 2000 3001 00001010**
Shaxsiy x-raziv bank Toshkent shahar
Bank shaxsiy farmasi xkkk mfo: 00014
Bank kod: **200237076 STIR: 201122919**
Bank nomi: **СТИР**

Раҳбар: **М.У.** (Ф.И.О. нмзо)
«**2022** й.
Юрисконсулт»
Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва «Ҳужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Раҳбар: **М.У.** (Ф.И.О. нмзо)
«**2022** й.
Юридик ҳуқоса»

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя копламига (пломбага) руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;
6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгиндан сакланган гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланган бўлиши ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланган олган шахсини жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санаасидан ўзбошимчалик билан уланган олган кун санаасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланган узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади,

- ўзбошимчалик билан уланган олган саналдан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансадан тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шарҳлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўзириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.5. «Истезъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоким қарори ва қадасстр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истезъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кеңиктирилган тўловнинг ҳар бир кун учун 0,4 фоиз пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истезъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари» ҳамда ифлослантувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилгани учун «Истезъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортиқлиқ коэффициентини микдор тартибда ҳисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича мезърлар билан белгиланган оқизилишнинг йўл қўйилмаган ҳисобланган микдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантувчи моддаларнинг чиқариш таққиланади.

6.9. Ифлослантувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизилган учун компенсация тўловларини ҳисоблаб Ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослантувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилгани учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истезъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истезъмолчи» ёзилмаган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истезъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан хал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ юридик «Истезъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чиқилади.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN VA QONUNOSTI MEYORLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY H U L O S A

1. Loyiha ning turi:

Shartnoma

2. Loyiha ning mazmuni:

To'g'ridan-to'g'ri shartnoma

Andijon shahar tibbiyot birlashmasi bilan "Andijon syv ta'minot" MChJ Andijon shahar bulimi o'rtasidagi O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi №684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risidagi Qonunining 71-73-moddalariga asosan 5 096 520 (besh million t'ukson olti ming besh yuz yigirma) so'mlik suv ta'minatot va oqava suvni chiqarish yuzasidan tuzilayotgan shartnoma loyihasi.

Asos: O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi №684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risidagi Qonunining 71-73-moddalari.

3. Loyixa ishlab chiqaruvchi tashkilot:

Andijon shahar Tibbiyot birlashmasi 26.01.2022 yil

Shartnoma loyihasini o'rganish yuzasidan

X U L O S A

Shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan oqibatlariga bosh yuristkonsult javobgar emas.

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:

S.O'rmonov

27.01.2022 yil



Юридик шахслар учун сув таъминоти шартномасига 1-ИЛОВА

Етказиб берилдиган сув сарфи

Тариф гуруҳи III

Фаолият тури Соғлиқни соғиниш

Йил, жами	Сув сарфи м3	Оқова сарфи м3
Январь	1282	1282
Февраль	594	594
Март	594	594
Апрель	594	594
Май		
Июнь		
Июль		
Август		
Сентябрь		
Октябрь		
Ноябрь		
Декабрь		

Юридик шахслар учун сув таъминоти шартномасига 2-ИЛОВА

Сув ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

Истеъмолчининг (субистеъмолчининг) ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлар, тури ва босим синфи (м) кўрсатилган ҳолда	Ҳисоблагич тури	Ҳисоблагич рақами (завод №)	Ҳисоблагич тармоқ муҳри номери	Қувур хажми	Шартнома тузиш санасига ҳисоблагич кўрсаткичи

ИМЗОЛАР:

